

# Кофир кимса қачон бирор яхшилик қилса

09:25 / 02.06.2018 3325

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Кофир кимса қачон бирор яхшилик қилса, шу дунёнинг ўзида ризқлантирилади. Аммо мўмин киши бирор яхшилик қилса, Аллоҳ таоло охирати учун яхшиликларини захира қилиб қўяди ҳамда тоати қилишига ярашасини дунёда ҳам ризқ қилиб беради»**, дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Яна бошқа бир ривоятда: **«Албатта Аллоҳ таоло мўминнинг қилган яхшилиги учун зулм қилмасдан шу дунёда ҳам беради. Охиратда эса у яхшилиги учун мукофот ҳам ато этади. Аммо кофир кимса шу дунёда Аллоҳ учун қилган яхшиликларида ризқлантирилади. Қачонки, охиратга борганида, мукофотланиши учун яхшилиги бўлмайди»**, дейилган.